

ЭТНИК МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА УРФ-ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ



Орзимурод Юсуфалиев

Гулистон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада миграция жараёни, унинг турлари, йўналишлари, этник миграция ва унинг ижобий жиҳатлари ҳаётий мисоллар тарзида асосли ёритиб берилган.

Калит сўзлар: миграция, меҳнат миграцияси, илмий миграция, этник миграция, мажбурий миграция, хусусийлик, умумийлик, урф-одат, анъана, маросим, қадрият ва б.

Бугун дунё миқёсида миграция жараёнлари ҳар қачонгидан ҳам шиддат билан кенгайиб бормоқда. Бу миграцияларнинг ўзига хос йўналишлари сифатида меҳнат миграцияси, илмий миграция, этник миграция, мажбурий миграция кабиларни алоҳида эътироф этишимиз мумкин. Сўнгги ўттиз йил мобайнида миграциялар тескари жараёнга алмашганлигини ҳам кузатамиз. Яъни, 1990 йиллардан кўпгина давлатлар миллий мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг муайян этнослар тарихий ватанларига қайтиш истагида кўчиб кетганлар.

Масалан, энг биринчи йирик миграция инқирозларидан бири 90–йиллар бошида юз берган ва миграциянинг тескари жараёни юзага келганди. У меҳнат миграцияси бўлмаган, илмий асарларда кўпинча этник миграция деб аталади. Масалан, Қирғизистондан, асосан, Россияга, шунингдек, Россиядан ташқаридаги тарихий ватанига икки миллиондан ошиқ киши кўчиб кетган. Шу гапни Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ҳақида айтиш мумкин.¹

Бундай этник миграция жараёнларини Ўзбекистон миллий мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллардан чет давлатлар билан дипломатик ва дўстлик алоқаларни мустаҳкамланаётган вақтда ҳам кузатамиз. Миллий мустақиллигимиз қўлга киритилгач бошқа давлатларга чиқиш, чет элдаги қариндош уруғлар ҳолидан хабар олиш енгиллашди. Ўзбекистонда яшайдиган бошқа миллат вакиллари ҳам бемалол ўз юртларига бориб келиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари турли сабабларга кўра хорижда яшаётган ўзбеклар Ўзбекистонга, биздаги бошқа миллат вакиллари ҳам ўзларининг она ватанларига кўчиб кетиш имкониятига эга бўлишди.

- Узоқ йиллар Ўзбекистонда яшаган немис миллатига мансуб Федя Шифер хикоя қилади. Ўттиз йиллар аввал она ватанимга кетай, ёшим ҳам ўтиб қолди, менга бирор қор-ҳол бўлиб қолса фарзандларим мендан домангир бўлиб юрмасин деб, Германияга кўчиш тараддудига тушдим. Кўч-кўронимни бир ҳафтала йиғиштирдик. Германиядаги оғайни қариндошларим ўзинг бола чақанг билан келсанг бўлди, дейишига қарамасдан, ўзбеклар орасида шунча йил яшаб, менталитетим ҳам ўзбекона бўлиб кетган эканки, уйимдаги бор “ашқол-дашқолгача” олиб кетдим.

- Бу уй-рўзгор буюмлари, ашёлар менга Ўзбекистонни, сизларни эслатиб туради. Уларга қараб сизларнинг қайноқ тафтингизни ҳис қилсам ажаб эмас, дейман қўшниларимга.

- Унинг бу сўзларидан маҳалла аҳли кўзларида ёш билан хайрлашишди.

Орадан бир йил вақт ўтандан сўнг ўзбекистонга, ўзим яшаган маҳаллага қайтиб, бир ойча юрдим. Яшаган даврларимни эсладим. Қишлоқ аҳлининг тўй-маъракаларида қатнашдим. Шунда немис ва ўзбек менталитетининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўзбек маҳалладоншларимга сўзлаб бердим.

Европада хусусан немисларда ҳам яккалик, хусусийлик тушунчаси устувор. Сизларда шаклланган жамоавийлик, кўпчилик ҳақида қайғуриш, биргаликда кенгашли тўй тарқамас каби ҳикматлар асосида ҳал этиш уларда йўқ. Ҳамма ўзи учун ҳаракат қилади. Ўзи учун

¹ <https://www.uzanalytics.com/siyosat/10638/>.

яшайди. Урф-одатлар, қадриятларни умуммиллат сифатида қадрлаб, бошқа халқларга ҳам сингдириш учун халқаро кўргазма ва фестиваллар уюштиришда жонбозлик сует.

Сизлардаги одамларнинг юзларида тафт бор, меҳр бор, истара бор. Немисларда бу жиҳатлар ҳам ҳаминқадар. Уларда истиҳола, тортиниш каби тушунчалар йўқ. Инсоннинг айбини ёки камчилигини ҳеч иккиланмасдан юзига ҳам, кўпчилик олдида ҳам айтиб юборишади.

- Мен ҳаётимнинг энг гуллаган даврини Сизлардай очиқ кўнгил, пок ниятли инсонлар билан ўтказганимдан, Ўзбекистондай жаннатмакон юртда яшаганимдан бахтиёрман. Тўғриси Германия менинг аجدодларим яшаган, мен туғилган замин. Бироқ мендан сенинг ватанинг қаер деса аввало Ўзбекистон дейман. Негаки, мен шу заминда оқ қорани танидим, шу халқ билан яхши ёмон кунда бирга бўлдим. Сизлар менга миллатчилик кўзи билан қарамадингиз, шовинистик характер намоён этмадингиз. Аксинча менинг ўзимни ҳам болаларимни ҳам ўз болангиздай қабул қилдингиз. Билмаганимизни ўргатдингиз. Айниқса мен ва оилам тандирда ёпилган иссиқ нонларни, тонгда соғилган сигир сутларини, қишда қилинган қуртобаларни, иссиқ нонни майдалаб сариёғга қорилганини, сарҳил меваларни дарахтнинг ўзидан узиб, қовун-тарвузларни полизнинг ўзида ёриб ейишларни соғинамиз. Шундай қайноқ тафт халқингизнинг ҳам вужудига сингиб кетган. Агар имкон бўлганда эди. Мен ҳеч қачон бу заминни, бу элни тарк этмаган бўлар эдим, дейди кўзида ёш билан...

Англадимки, инсонийлик аввало меҳрда, муҳаббатда, бағрикенгликда, ишончда, дўстликда, диёнатда, имон ва эътиқодда экан. Бошқа миллат вакиллари тилларида камдан кам учрайдиган бу каби тушунчалар ёки урф-одатлар бизнинг миллий менталитетимизга ҳам сингиб кетган. Шунақа вақтларда шу юрт, шу миллат фарзанди эканлигиндан мағрурланиб, унинг номини жаҳон бўйлаб янада кенг ёйишда қанча хизмат қилсак оз эканлигини тушуниб етамиз.¹

Демак тарихий ватанларини кўмсаш орқали вужудга келган этник миграция жараёнлари, бирор юртдан бошқа юртларга кўчиб кетган миллат вакиллариининг узоқ йиллар яшаган давлатидаги миллатларининг ўзига хос урф-одат ва анъаналарини, қадриятларини бевосита тарғиботчисига айланиб қолиши миграция жараёнларининг ижобий жиҳатларини акс эттиришида ҳам намоён бўлади, десак хато бўлмас экан.

Адабиётлар:

1. <https://www.uzanalytics.com/siyosat>.
2. Янги Сирдарё газетасининг 2023-йилдаги сонлари.

¹ Янги Сирдарё газетасининг 2023 йилдаги сонлари.